*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 68 (9304). ● 1988 йил 7 апрель ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

## М. С. ГОРБАЧЕВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 6 апрель куни Москвадан Тошкентга жўнаб кетди.

* * *

Шу куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Афғонистон республикасининг президенти, АХДП Марказий Комитетининг биринчи секретари Нажибулло билан учрашиш учун Тошкентга келди.

Аэродромда уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан учрашиш учун Афғонистон республикасининг президенти, АХДП Марказий Комитетининг биринчи секретари Нажибулло 6 апрель куни Тошкентга келди.

Аэродромда уни Р. Н. Нишонов, Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Айни бир вақтда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе Қобулдан Тошкентга келди.

(ТАСС).

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

6 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида Бекобод шаҳар партия комитетининг иш ва истиқомат жойларида меҳнаткашларга савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга раҳбарлиги тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Шаҳар партия комитети хизмат кўрсатиш соҳасига раҳбарликни, гражданларга савдо ва маиший хизматни такомиллаштириш юзасидан ишни бир мунча яхшилаганлиги таъкидланди. Социал соҳани ривожлантириш ва шаҳарни ободонлаштириш учун 7,8 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, бу эса 1986 йилдагига нисбатан 3 миллион сўм кўпдир. Пуллик хизматларни ривожлантириш топшириғи қарийб 6 процент ошириб бажарилди, пландан ташқари 590 минг сўмлик шундай хизматлар кўрсатилди. Шаҳарда бешта кооператив ишлаб турибди, 1987 йилда улар 113 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқардилар.

Саноат корхоналарида 12 та ошхона қурилди ва реконструкция қилинди, буфетлардаги маҳсулотлар ассортименти хилма-хил бўлиб қолди. Бинокорлик материаллари ва саноат корхоналарининг ишга яроқли чиқиндилари билан савдо қиладиган магазин очилди, ихтисослаштирилган магазинлар салмоғи 70 процентга, ўзига-ўзи хизмат қилиш методи билан ишлайдиган магазинлар салмоғи 55 процентга етказилди. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига 200 дан кўпроқ хотин-қиз жалб этилди, мактаб-магазин очилди.

Шу билан бирга шаҳар партия комитети бюроси аҳолига савдо ва маиший хизмат сифатини тубдан яхшилашга, мавжуд имконият ва ресурслардан тўла фойдаланишга эришмади. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам савдо корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларининг пассивлиги ва ташаббуссизлиги товар ресурсларининг номутаносиблиги, чет эллардан келтирилаётган молларнинг камлиги рўкач қилиниб, яширинб келинаверди. Хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига расмиятчилик билан ўтилди. Шундай вазиятда 1987 йил товар обороти топшириғи бажарилмади, савдо тушуми 6,2 миллион сўм кам бўлди.

Маиший хизмат кўрсатиш планлари муттасил барбод этилмоқда. 1987 йилда аҳолига қарийб 250 минг сўмлик кам хизмат кўрсатилди. Кийим ва пойабзал ремонти, прокат хизмати соҳасидаги иш айниқса қониқарсиздир. Хизмат кўрсатишнинг истиқболли турлари, хизматнинг ҳар жиҳатдан қулай ва шунга ўхшаш хиллари дуруст жорий этилмаётир.

Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети хўжалик раҳбарларининг маҳаллий саноат ва бинокорлик индустрияси корхоналари имкониятларидан яхши фойдаланмаётганликлари билан муроса қилиб келмоқдалар. Саноат корхоналарида очилган комплекс қабул пунктлари зарур қувват билан ишламаяпти.

Марказий Комитет Бюроси Бекобод шаҳар партия комитети (ўртоқ Э. М. Рўзиев) диққат-эътиборини товар обороти ва маиший хизмат юзасидан белгиланган планларнинг бажарилиши учун коммунистлар, меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан етарлича ташкилотчилик иши олиб борилмаётганлигига қаратди. Бюро шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, хўжалик раҳбарлари зиммасига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш, савдо ва маиший хизмат корхоналари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, шаҳар социал инфраструктурасининг илдам ривожланишига эришиш вазифасини юклади. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети аҳолининг турли товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун янгича ёндашувларни таъминлашлари кераклиги таъкидланди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси раҳбарларига, бошланғич партия ташкилотларига савдо ва маиший хизмат объектлари ишини бошқаришда иқтисодий омилларни кучайтиришга асосий диққат-эътиборни қаратиш топширилди. Ўз маҳсулотининг ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш, савдони ташкил этишнинг янги илғор формаларини жорий қилиш йўли билан товар оборотини ўстириш имкониятларидан кенг фойдаланилсин. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган, озиқ-овқат маҳсулоти тайёрлайдиган, хизмат кўрсатадиган кооперативлар тузишга алоҳида эътибор бериб, уларни ривожлантиришга изчиллик билан кўмаклашилсин.

Бюро мажлисида республикада пилла етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш соҳасидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пилла етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва унинг янги навларини яратиши лозим бўлган хўжалик органлари ва илмий муассасаларнинг иш даражаси аҳолини халқ истеъмол товарлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш вазифаларига мос келмаётганлиги уқтириб ўтилди. Пилла сифати паст, у ўз вақтида қайта ишланмаяпти, тўқимачилик саноатининг хом ипакка бўлган эҳтиёжи қондирилмаяпти. Пиллакашлик фабрикаларининг техникавий аҳволи фан-техника тараққиётининг ҳозирги талабларидан орқада қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг пиллачилик бош бошқармаси, Ўрта Осиё Пиллачилик илмий тадқиқот институти сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги дурагайларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар, ипак қуртини боқиш маданияти паст ва унинг технологияси такомиллаштирилмаяпти, кўпроқ қўл меҳнатидан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштириш вақтида қўпол нуқсонларга йўл қўйилганлиги оқибатида қуриб битказилган 90 та пиллачилик комплексидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаяпти. Мавжуд пиллахоналарнинг базаси талабга жавоб бермайди.

Пиллачилик бош бошқармаси ва Ўрта Осиё Пиллачилик илмий тадқиқот институти раҳбарлари (Э. Ҳ. Тожиев, У. Насруллаев ўртоқлар) пиллани стандартлаш таклифларини ишлаб чиқишда тор маҳкамачилик билан ёндашувга йўл қўймоқдалар, ўн икки йил давомида учта давлат стандарти тасдиқланди, булар ҳам мукаммал эмас ва қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Пиллачиликда қўшиб ёзиш, ўғирлик ва порахўрлик фактлари аниқланди. Шунинг учун 122 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги (ўртоқ Н. Нормуҳамедов) табиий ипак етиштириш ва қайта ишлаш марказий илмий тадқиқот институти (ўртоқ Ҳ.Абдукаримов) ишга бепарво қараб, тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, пилла етиштириш ва тайёрлашга таъсир ўтказмаяптилар, пиллачилик фабрикаларини ривожлантириш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, мамлакатда машина ва ускуналар ишлаб чиқиш масалаларини ҳал этишда пассивлик қилмоқдалар. Тармоқда ишлатилаётган автоматларнинг 50 процентдан кўпроғи маънавий жиҳатдан эскириб қолган. Сўнгги ўн йил мобайнида корхоналар қуввати 21 процент ўсган бўлса, пилла етиштириш эса 42 процент кўпайди. Навига қараб пиллани чувиб ўрашга ўтиш асоссиз тарзда кечиктирилмоқда. Пиллани қайта ишлаш вақтида анчагина исрофгарчиликларга ва чиқиндига чиқиб кетишига йўл қўйилмоқда. Пиллакашлик фабрикаларининг қарийб ярми зарар кўриб ишламоқда.

Пилла етиштириш ва тайёрлашнинг ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар учун, ишлаб чиқаришда техникавий ва илмий қолоқликка йўл қўйганлиги ва тармоққа раҳбарликдаги шахсий инсофсизлиги учун Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пиллачилик бош бошқармаси бошлиғи, КПСС аъзоси ўртоқ Э. Ҳ. Тожиевга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига пиллачилик бош бошқармаси раҳбариятини кечиктирмай мустаҳкамлаш топширилди.

Ўзига топширилган участкада ишни барбод қилганлиги учун Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг ўринбосари, КПСС аъзоси ўртоқ Н. Нормуҳамедовга виговор эълон қилинди.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими (ўртоқ Ш. Иброҳимов), Пиллачилик илмий-тадқиқот институти (ўртоқ У. Насруллаев), Табиий ипак етиштириш ва қайта ишлаш марказий илмий-тадқиқот институти (ўртоқ Ҳ. Абдукаримов) раҳбарларининг диққат-эътибори пилланинг янги дурагайларини яратишда, саноат асосида пилла қурти боқиш агротехникаси соҳасида, пиллачилик учун мамлакатда машина ва ускуналарни ишлаб чиқишда уларнинг ишида ва улар раҳбарлик қилаётган коллективлар ишида жиддий камчиликлар борлигига қаратилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республикада пиллачиликни янада ривожлантириш масалаларини махсус кўриб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида айрим бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси олдидан*

## БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК, МАҲКАМАЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Олий Совети қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати доимий комиссияси мажлисида республика халқ хўжалигини бошқариш бош схемаси лойиҳасининг асосий қоидалари кўриб чиқилди. Депутатлар республика Министрлар Советининг доимий органи — Қурилиш давлат комитетининг структурасини мухокама қилдилар.

Бу мажлис силлиқ ва осойишта ўтгани йўқ. Депутатлар республика Министрлар Совети ишлар мудирлиги қурилиш ва уй-жой — коммунал хўжалик бўлими мудири Е. Темикиннинг батафсил ахборотини тингладилар, у далил-исботлар билан, фактларга суяниб, бошқарув структурасини ўзгартириш, Ўзбекистон ССР Қурилиш Давлат комитети тузишни асослаб берди.

Ўтган беш йиллик ва шу беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида республикада тахминан 3 миллиард сўмлик планлаштирилган асосий фондлар ишга солинмади. Идоравий тарқоқлик, ҳаддан ташқари катта бюрократик аппарат, қурилиш комплекси моддий-техника базасининг заифлиги сабабли уй-жойларни фойдаланишга топширишда оғир вазият юзага келди, саноат ва социал объектларни бунёд этиш секинлашди. Танг қоладиган ери шундаки, 220 қурилиш тресті, неча юзлаб бошқармалар ва механизациялашган колонналар нима қилиб бўлса ҳам ресурслар ундириш, планни камайтириш, енг учида ишлаб, катта маош олиш ҳаракатида бўлдилар.

Бош схемада бир хил вазифаларни ҳал этаётган ташкилотлар ўртасидаги идоравий тўсиқларни бартараф қилиш назарда тутилган. Янги давлат комитети составига республика Қурилиш министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, «Главташкентстрой», Сув хўжалиги давлат комитети ва «Узглавстройдре в п р о м»ни бирлаштириш таклиф этилмоқда. Марказлаштириш, ўзаро манфаатдорлик капитал қурилиш суръатларини ошириш ва сифатини яхшилашда ижобий силжишларга олиб келиши керак.

— Янги давлат комитети навбатдаги бюрократик бўғин бўлмайдими? — деб савол берди тошкентлик депутат М. Ҳабибуллаев.

— Комитетнинг вазифалари аниқ белгиланган. У қурилиш-монтаж ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишини мувофиқлаштириб туриши керак, — деган жавоб бўлди.

— Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги коллегияси министрликни тугатиш, айниқса цемент заводларини иттифоқ органларига бўйсундиришни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. Чалакашлик бошланади, қурувчилар энг муҳим материал етишмаётганлигини дарров ҳис этадилар, — министрнинг биринчи ўринбосари Т. Эргашев ўз позициясини эҳтирос билан ҳимоя қилади.

— Тўғри фикр... Шошмаслик керак... Аввало, янгиликни амалда синаб кўриш керак... Республика Давлат қурилиш комитети раиси Ш. Ҳайдарова, «Главташкентстрой» бошлиғи К. Дудин, «Узбекгидроэнергострой» тресті бошқарувчисининг ўринбосари И. Шигильчева шу мулоҳазаларни айтишди.

— Биз эса бош схема лойиҳаси асосий қоидаларини маъқуллаймиз! — дейди депутат, Бекобод цемент заводининг цех бошлиғи Т. Тошмуҳамедов. — Цемент камаймайди, кўпаяди. Бир маромда ишлайдиган бўламиз, маънавий эскириб қолган ускунани «ямаймиз» деб жонимиз ҳалак бўлмайди. «Ялпи» маҳсулот кетидан тинимсиз ва самарасиз югуравериш барҳам топади.

— Давлат комитети составига «Узглавстройдревпром» нега киритилаяпти? — деб сўрашди депутатлар.

— Ҳозир ёғоч-тахта ўтказиб беришни министрликлар «тортқилашиб кетишгани» учун камёб материалга ишлов беришнинг яхши технологияси йўқ. Шу сабабли ҳар йили 1,4 миллион кубометр ёғоч-тахта чиқиндига чиқиб кетмоқда. Бу бориб турган исрофгарчилик-ку! Бундан буён ёғоч-тахтани қайта ишлаш билан ягона идора шуғулланади. Исрофгарчиликлар камаяди. Буюмлар сифати яхшиланади.

— Бошқарув схемаси лойиҳасида маҳаллий Советлар ва улар территориясидаги бинокорлик саноати корхоналарининг ўзаро муносабатлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Агар корхона планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарса, бу маҳсулот шу ерда қолдирилиб, уй-жой, социал-маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланиши керак — лойиҳада ана шуни кўзда тутиш лозим, — депутат, Самарқанд шаҳар ижроия комитети раиси Д. Аҳроровнинг фикри шундай.

Ўринли мулоҳаза. Доимий комиссия аъзолари бу фикрни қизғин муҳокама қилдилар. Мазкур масалани Олий Советнинг бўлажак сессиясига тақдим этилаётган доимий комиссия тавсияларига киритиш таклиф этилади.

— Қурилиш министрлиги ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги тўғрисидаги масала равшан. Лекин бунга Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг нима дахли бор? — таажжуб билан шундай савол берилди.

— Биз ҳам шундай таклифни ўртага қўйиб, бироз шошқалоқлик қилишяпти, деб ҳисоблаймиз, — деди Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раиси Т. Боймиров. — Биз енгил саноат объектлари қуришни бошлаб юбордик, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар қурмоқдамиз. Комитетимизни қайта ташкил этишни аста-секин олиб бориш маъқул бўлар, деб ҳисоблаймиз..

— Янги ерларни хўжалик оборотига киритиш кескин камаяётган вақтда мустақил идора сифатида шу қадар катта ташкилотнинг мавжуд бўлиши омилкорлик бўлмас эди, — деб эътироз билдиришди доимий комиссия аъзолари. — Сув хўжалиги қурилиши ходимлари бундан буён ҳам ўз ишларини қилаверадилар, улар катта тажриба орттиришган. Аммо эндиликда кичик шаҳарлар ва район марказларидаги қурилишлар ҳам улар зиммасига тушади.

... Ҳар бир масала — жумбоқ. Аммо депутатлар доимий комиссия мажлисига яхши тайёргарлик кўриб келишган. Ҳар бир чала қолган гап, баҳона-важ сабабли янги ўткир масалалар юзага келарди. Депутатларга балли, улар масалани ҳар томонлама муҳокама қилишди.

Қурилиш ва Бинокорлик материаллари саноати доимий комиссияси бошқарувнинг бош схемаси лойиҳасини умуман маъқуллади. Лойиҳага депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларига кўра бир қанча аниқликлар киритилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети бошқа доимий комиссияларнинг қўшма мажлислари бўлиб ўтди. Мажлисларнинг қатнашчилари Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси лойиҳаси асосий қоидаларини маъқулладилар ва мазкур лойиҳа юзасидан республика Олий Советига хулоса тақдим этдилар.

(ЎзТАГ).

Қутбн Жўраева Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозн сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилади. Бригада деҳқонлари меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усулини қўлланиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили коллектив деҳқонлари пландаги 895 тонна ўрнига 1119 тонна сабзавот етказиб бердилар.

Моҳир бригадир колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди ишида қатнашиб, олам-олам таассуротлар билан қайтди. Айни кунларда бригада сабзавоткорлари ишлаб чиқаришга илғор тажрибаси, интенсив технология омилларини жорий этиб, бу йил ҳам янги ва юксак марраларни эгаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.



Суратларда: колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати Қутбн Жўраева қурувчилар билан суҳбатлашмоқда; Жўраева болалар боғчасида; Бригада деҳқонлари ўз етакчиларининг съезд ҳақидаги таассуротларини мароқ билан тингламоқдалар.

В. ПОРТНОВ фотолари.

## ДЕЛЕГАТ СЪЕЗДДАН ҚАЙТДИ





## БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари ўтган йилги давлат планини бажаришда юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришдилар. Бу корхона коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби, деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроғи билан мукофотланди ва номи СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзиладиган бўлди.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Суддаренков мазкур коллектив вакилларига ана шу Кўчма қизил байроқни топширди.

Республиканинг бошқа коллективларида ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроқларини топширишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Денов ёғ-экстракция заводи коллективига байроқни Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов топширди.

Тошкентдаги «Узэлектромонтаж» тресті, Халқлар дўстлиги орденли Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ҳурмат белгиси» орденли республика яйлов-мелиоратив - қурилиш бирлашмаси, Меҳнат Қизил байроқ орденли «Балиқчи» балиқ саноати экспериментал-намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси, ВЛКСМ 50 йиллиги номли Оҳангарон совхоз-саноат комплекси меҳнатчиларига ҳам тантанали вазиятда Кўчма қизил байроқлар топширилди.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси шу йил 9 апрель эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Саккизинчи сессияга келаётган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 8 апрель куни соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида рўйхатдан ўтадилар.

## ХЎЖАЛИК СУВ ҲАҚИНИ ТЎЛАЙДИ

### БЕКОБОД РАЙОНИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ЮЗАСИДАН ЭКСПЕРИМЕНТ БОШЛАНДИ

1 апрель куни тонг отиши билан Бекобод районидаги 13 та хўжаликнинг сув олиш иншоотларига сув ўлчагичлар ўрнатилди. Шундай қилиб, сувчилар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида янги, хўжалик ҳисоби муносабатларини ўрнатувчи эксперимент бошланди. Бундан буён сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ўрнатилди.

Давлат ирригация тармоқлари қурилиши ва улардан фойдаланиш учун ҳар йили сарфлаб келаётган миллиард-миллиард сўм пулни сувдан фойдаланувчи муайян хўжаликлар эмас, балки бутун жамият тўлаб келмоқда. Бундай система сувни истеъмол қилишда исрофгарчиликка олиб келди. Ўрта Осиёда, шунингдек бошқа регионларда ҳам сувнинг ниҳоятда танқис бўлиб қолганлиги кўп жиҳатдан сув учун ҳақ тўланмаслик оқибатидир.

Эксперимент шартларига кўра, белгиланган нормадан ташқари фойдаланилган ҳар бир куб метр сув учун хўжалик уч карра кўп ҳақ тўлайди. Сувни ўз вақтида етказиб бермаслик натижасида ҳосилдорликнинг камайиб кетиши эса сувчиларга зарар келтиради — уларга катта жарима солинади. Сувчилар ҳам принцип жиҳатидан янгича меҳнат шароитларида ишламоқдалар. Барча сув хўжалиги бўлинмаларини ўз ичига олган Бекобод район ремонт-эксплуатация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозир тўла хўжалик ҳисобида, ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳамда ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Мазкур бирлашма меҳнатчиларининг фаровонлиги энди бевосита ирригация системалари ишининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Экспериментга катта тайёргарлик кўрилди. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиққан программага асосан ўнлаб километр суғориш тармоқлари реконструкция қилинди, сув олиш жойларида юзлаб ўлчов асбоблари монтаж қилинди, хўжаликлар ичида счётчиклар ўрнатила бошлади. Буни деҳқонлар ўз фаолиятида қўлланаётган пудрат усули шароитлари тақозо этмоқда. Колхоз ва совхозларнинг юзга яқин вакили гидрометрия курсида ўқидилар. Улар сувчилар билан бирга районда ва хўжаликлар ичида сув истеъмолини назорат қиладилар.

Мамлакатимизнинг Саратов ва Днепропетровск областларидаги икки районда бошланган экспериментнинг ҳам аниқ пировард муддати белгиланган эмас. Эксперимент йилдан-йилга кенгайтирилиб ва беш йиллик охирида Ўзбекистондаги барча хўжаликлар сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлайдиган бўладилар. Бу эса республика бутун сув хўжалигини ҳам тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш имконини беради.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

# ҚАЙТА ҚУРИШ ПРИНЦИПЛАРИ: ТАФАККУР ВА ҲАРАКАТЛАРНИНГ РЕВОЛЮЦИОНЛИГИ

Партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель пленуми социалистик тараққиётнинг совет жамиятини сифат жиҳатдан янгилаш, қайта қуриш мақсадини кўзлайдиган янги босқичига асос солди. Моҳияти жиҳатидан революцион ва миқёслари жиҳатидан мислсиз бўлган бу иш бошланганида унинг ҳар бир қатнашчиси ҳам танлаб олинган йўлда биз учрайдиган ҳамма қийинчиликларни унчалик тушуниб етмаган эди. Аммо бир нарса равшан эди: эскичасига яшаб бўлмас эди. Мамлакатнинг ҳаракат суръатлари пасая бошлаган, ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолаётган, социал занглаш элементлари кўриниб қолган, социализмга ёт тенденциялар пайдо бўлган эди. Мана шуларнинг ҳаммаси турғунлик, кризис арафаси ҳолатларига олиб келган эди.

Партия ўтказган таҳлилий иш, унинг натижалари КПСС XXVII съездида муҳокама қилинганлиги ва съезд қарорлари, илғор ижтимоий-сиёсий фикр — ҳаммаси барча соҳаларда мутлақо янгича ёндашувлар зарурлигини қатъият билан кўрсатар эди. Экономикада ва социал соҳада, хўжаликни ва ижтимоий турмушни бошқаришда, маънавий соҳада ва меҳнаткашларнинг активлигини, ташаббусини рағбатлантиришда шундай қилиш керак эди. Аввалги авлодларнинг меҳнати ва қаҳрамонлиги билан қўлга киритилган ютуқларни шу йўл билангина сақлаб қолиш мумкин эди. Социалистик жамиятимизни ривожлантиришга шу йўл билангина янги туртки бериш мумкин эди.

Партия билан халқнинг, мамлакат учун, социализм учун, муштарак келажагимиз учун астойдил ва самимий жон куйдирувчи ҳамманинг хулосаси якдил эди: қайта қуришдан бошқа йўл йўқ. Қайта қуришдан воз кечиш, ҳатто уни кечиктириш жамиятимизнинг ички тараққиёти учун ҳам, Совет давлатининг, умуман социализмнинг халқаро мавқеи учун ҳам жуда таҳликали оқибатларга олиб бориши мумкин эди. Очиқ-ойдин кўриниб турган шу ҳақиқат рўй-рост, ошкора, рақамлар ва фактлар билан айтилди.

Орадан уч йил ўтди. Шу йилларда кўп воқеалар рўй берди. Қайта қуриш концепцияси, стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилади. Унинг: демократия кўпроқ бўлсин, социализм кўпроқ бўлсин, деган революцион принциплари аниқ белгилаб берилди. Ҳозир қайта қуриш социал практикадир.

Фикрлаш ва ҳаракат тарзидаги қайта қуриш омманинг онгидан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда, турмушга тобора чуқур кириб бориб, ижтимоий онг ва амалий иш характерини белгиламоқда.

Ўтган уч йил мобайнида биз анча ўзгардик. Бошимизни кўтардик, қаддимизни ростладик, фактлар бетига тик ва очиқ қараб, дардимизни баралла айтаяпмиз, ўн йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш усулларини биргаликда излаяпмиз. Демократиялашга қатъиян бурилмай туриб, бир қанча социал ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда сезила бошлаган реал силжишларга эриша олмаган бўлур эдик.

Биз ҳаммамиз кенгайиб бораётган демократия, ошкоралик шароитида яшашни ўрганаяпмиз, катта мактаб сабоғини олаяпмиз. Бу мактаб сабоғи жўн эмас. Фикр ва ҳаракатлардаги эскиликдан халос бўлиш биз ўйлагандан кўра қийинроқ бўлиб чиқди. Бироқ орқага қайтилмаслиги муқаррарлигини англаш бизни ҳозир бирлаштириб турган асосий омилдир. Бундай қайтишнинг ҳалокатли экани равшан.

**Биз социализмнинг ленинча моҳиятини қандай қилиб тезроқ қайта тиклай оламиз, уни қалашиб ётган иллатлар ва бузишлардан қандай тозалай оламиз, жамиятни қисиб қўйган ва социализм имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга йўл бермаган тўғаноқлардан қандай халос бўла оламиз?** Мунозаралар қатнашчиларининг диққат-эътибори пировард натижада айни шу муаммога жалб этилган, баъзан бу хусусда қарама-қарши ёндашувлар намоён бўлмоқда.

Ҳозир, биз қайта қуришнинг иккинчи босқичига қадам қўйган пайтда илгари жавоб берилгандек туюлган масалалар яна кўндаланг бўлиб қола бошлади. Шу масалалар орасида — ҳамма нарсани ўзгартирмай, туб чора-тадбирлар кўрмай туриб, иш юритиб бўлмайдими, илгари яратилган нарсаларни такомиллаштириш билангина чекланса бўлмайдими, биз қайта қуриш жараёнида Улуғ Октябрдан кейинги етмиш йил мобайнида яратилган нарсаларнинг кўпидан маҳрум бўлиб, уларни бузиш хавфига дучор бўлмаймизми? — деган саволлар биринчи ўринда турибди.

Бир талай қийин, машаққатли масалалар бор. Баҳсларда баъзан сиёсий маданият, бир-бирининг фикрини тинглаш, ижтимоий жараёнларни илмий таҳлил этиш маҳорати етишмаётганини, баъзан эса билим, далил-исботлар мутлақо етишмаётганини ошкоралик кўрсатиб берди.

Қайта қуришнинг ўзи ҳам кўпинча ҳар хил тушунилмоқда. Баъзилар уни навбатдаги пардоз-андоз деб тушунсалар, бошқалар қайта қуришни бутун социализм системасини қандайдир тарзда «бекор қилиш» эҳтимоли деб тушундилар, модомики шундай экан, Октябрдан кейин босиб ўтилган бутун йўл нотўғри деб, социализм қадриятлари ва принциплари асоссиз, деб эълон қилинмоқда. Яна бошқалар зарур босқичлардан сакраб ўтиб оламиз, деган хом хаёл билан ўзини ва бошқаларни юпатиб, радикал сафсатабозликка берилмоқдалар.

Бу саволлар нега келиб чиқмоқда ва улар нималарни акс эттиради? Сабаб кўп. Баъзи кишилар ҳали рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини англаб олгани йўқ. Кимдир вужудга келган аҳволнинг таҳликалилигини тўла-тўкис тушуниб етмаган. Кимдир ўз кучига ва бошқаларнинг кучига ҳам шубҳа билан қарайди. Кимгадир руҳий ялқовлик ва хотиржамликни тарк этиш қийин, ўз ишлари учун масъулият юкини зиммага олишга одатланмаган. Кимдир ўзгартишларнинг миқёсидан дарров чўчиб тушган.

Айниқса, аввалги консерватив одатлар сарқити ҳам, мана шу қисқа, уч йиллик босқичда жамланиб қолган янги муаммоларнинг мураккаблиги, одатдан ташқарилиги ҳам эътиборга олинадиган бўлса, қайта қуришнинг амалий ишларига муносабат шу қадар хилма-хиллиги сабабини тушуниш мумкин. Қайта қуришни тақозо этган ғоялар ва мақсадларни бундан буён ҳам тушунтириш, ижтимоий жараёнлар мағзини коллектив бўлиб чақиш, ҳам эски, ҳам янги ишларнинг яхши ва ярамас жиҳатларини фарқ қилиш кераклиги равшан. Буларнинг ҳаммаси, такрор айтамизки, нормал, табиийдир. Турмушимизнинг ҳамма масалалари хусусида жамиятдаги мунозара ҳам қонуниятлидир. Бу мунозара давом этмоқда, келгусида ҳам ривожланаверади. Унинг ижтимоий тараққиётга самарали таъсири тобора сезиларли бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг февраль пленуми ҳозирги босқичда турмушнинг ҳамма соҳаларини қайта қуришда партиянинг янги вазифаларини ойдинлаштириб берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу пленумдаги «Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» мавзуида сўзлаган нутқида бугунги муаммолар аниқ таҳлил этилди, қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш программаси баён этилди. Одамлар жамиятда бошланган ўзгаришларнинг маъносини яхшироқ тушуниб олишни, таклиф этилаётган қарорларнинг моҳияти ва аҳамияти нималигини кўришни, биз барпо этмоқчи бўлган жамиятнинг янги сифати деганда нималарни тушуниш кераклигини билиб олишни хоҳлайдилар. Қайта қуриш учун кураш ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, маънавий соҳада ҳам давом этмоқда. Гарчи бу кураш синфий антогонизмлар шаклига кирмаётган бўлса ҳам, у кескин ўтмоқда. Янгиликнинг пайдо бўлиши ҳамиша унга муносабатни ва шу янгилик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни кескинлаштиради.

Мунозаралар, уларнинг характери, йўналишининг ўзи жамиятимиз демократиялашиб бораётганидан далолат бериб турибди. Мулоҳазалар, фикрлар, позицияларнинг хилма-хиллиги замонамизнинг энг муҳим нишонларидан бири, ҳозир реал мавжуд бўлган фикрлар социалистик ранг-баранглигининг далилидир.

Бироқ бу мунозарада жуда ғалати бир йўналишни пайқамасдан бўлмайди. Йўқ деганда ҳам, бу йўналиш рўй бераётган воқеаларни идрок қилиш, уни тушуниб олиш иштиёқи билан эмас, ишни олға силжитиш истаги билан эмас, балки, аксинча, уни тўхтатиб қўйиш хоҳиши, «Идеалларга хиёнат қилмоқдалар!», «Принциплардан воз кечмоқдалар!», «Тиргакларни қўпормоқдалар!» деган одатдаги дод-фарёдлар билан ўзини билдириб турибди.

Назаримизда, бу ижтимоий-психологик характердаги воқеаларгина эмас, бундай позициянинг илдизлари бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик ва бюрократик усулларига бориб тақалади. Бу—ўша даврнинг маънавий мероси билан ҳам, шунингдек бепарда қуруқ амалиётчилик манфаатлари ва мулоҳазалари билан, хоҳ моддий, хоҳ социал ёки маънавий соҳаларда бўлсин, ўз имтиёзларини ҳар қандай йўл билан ҳимоя қилиб қолиш муддаоси билан ҳам боғланган.

Ғоя билан манфаат ўзаро боғлиқ категориялар эканлиги марксизмнинг алифбесидир. Ҳар қандай манфаат қандайдир ғояларда ифодаланади. Ҳар қандай ғоялар ортида сўзсиз у ёки бу манфаат туради. Қайта қуришга консерватив қаршилик — ўтмишдан сарқит бўлиб қолган одатлар, фикрлаш ва ҳаракат кўникмалари юкидир; у бошқалар ҳисобига яшашга одатланиб қолган ва шу одатни тарк этишни хоҳламайдиган кимсаларнинг ашаддий худбинлик манфаатларидир. Қайта қуриш объектив равишда айни мана шу манфаатларга қарши қаратилган. Чунки ҳар қандай революция каби қайта қуриш ҳам бирон-бир нарсани ёқлаб чиқиш билангина чекланмасдан, бирон-бир нарсага қарши ҳам чиқади. Бизнинг яхшироқ, покроқ, яйраб-яшнаб яшашимизга, тезроқ олға боришимизга, янги йўлдаги муқаррар хатолар ва янглишишлардан осонроқ қутулишимизга халақит бераётган ҳамма насаларга қарши чиқади.

Мана шу мураккаб вазиятда қайси бири ҳақиқий мунозара эканини, қай ўринда ҳақиқий муаммолардан чинакам ташвишланиш борлигини, энг яхши жавоблар ва ечимларни қидириш нималигини аниқ фарқ қилиш керак. Қай ўринда демократиялаш ва ошкораликни демократия билан ошкораликнинг ўзига қарши, қайта қуришга қарши буриб юбориш муддаоси кўзланаётганини фарқ қилиш керак.

Айрим кишиларнинг миясида бесаранжомлик, саросималик бошланди. Демократиялашни авж олдириш, раҳбарлик ва бошқарувнинг маъмуриятчилик - буйруқбозлик усулларидан воз кечиш, ошкораликни кенгайтириш, турли-туман тақиқлар ва чеклашларни олиб ташлаш: биз ўзимиз социализм тиргакларига путур етказмаяпмизми, марксизм-ленинизм принципларини ревизия қилмаяпмизми? — деган хавфсирашларни келтириб чиқарди.

Баъзи кишилар: «Биз товар-пул муносабатларига асосланган майда буржуача социализм томон бораяпмиз. Буни жамиятимизга ким тиқиштираяпти? Меньшевикларча идеалистлар тиқиштиришмоқда. Биз учун ва умуман ер юзидаги тинчлик учун асосий хавф-хатар мана шундан иборат. Бу XX асрнинг офати, бу офатга қарши курашиш учун В. И. Ленин қанчадан-қанча куч сарфлаган эди», — деб даъво қилмоқдалар.

— Қайиқни чайқалтирманг! — деб чўчитишмоқда бошқалар. — Социализмни ағдариб, бузиб юборасизлар.

Тўхташни, ҳатто бутунлай орқага қайтишни ҳам тўғридан-тўғри таклиф қилаётганлар ҳам бор.

Шу йил 13 март куни «Советская Россия» газетасида босилган «Принциплардан воз кеча олмайман» деган катта мақола мана шундай кайфиятларнинг акс-садоси бўлди.

«Редакцияга хат» тарзида берилган бу мақола газетхонларнинг эътиборини тортди. Унда қўшилмай илож йўқ бўлган фикрлар ҳам бор. Баъзи салбий ҳодисалардан ғазаб билан ифодаланган ташвиш ҳам бор. Газетхонга таъсир қиладиган эҳтиросли фикрлар ҳам бор.

Бироқ ҳар ҳолда бошқа нарса: у нима мақсадда ёзилганлиги, қандай қарорларни таклиф этаётганлиги, бу қарорларнинг умумий руҳи ва услуби муҳимроқдир. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, мақола позицияларининг қайта қуриш асосий йўналишларига мутлақо қовушмаслиги, қарама-қаршилиги ошкор бўлиб қолади.

Олдиндан айтиб қўяйлик: ҳар қандай муаллиф ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳозир жамиятимизда ошкоралик туфайли, қайта қуриш туфайли айни шундай ёндашув қарор топмоқда. Матбуот органининг иши у ёки бу позицияни газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишдан, унга ўз муносабатини белгилашдан иборат. Мақоланинг тепасига берилган рубрика кўтарилган масалаларнинг моҳияти хусусида дарҳол бўлмаса ҳам лоақал бироз вақт ўтгандан кейин мунозара бошланади, деб тахмин қилиш имконини берар эди. Жиддий масалалар кўтарилганлиги ва кўтарилганда ҳам қайта қуришга қарши кучларнинг ғоявий платформаси, манифести дебгина аташ мумкин бўлган тарзда кўтарилганлиги учун ҳам шундай қилиш зарур эди. Кўп кишилар: бу мақола эълон қилинганини, бу иш рўёбга чиқарилган усулни қандай тушунмоқ керак? Бу нарса, илгари ҳам бўлганидек, сийқа йўлга қайтишга қилинган сигнал эмасмикан? — деб савол бераётганликлари тасодифий ҳол эмас.

Аввало, муаллиф хоҳлаганми ёки йўқми эканидан қатъи назар, мақола совет кишиларининг бир неча категорияларини бир-бирига сунъий равишда қарама-қарши қўйишга қаратилган. Бу эса фикрлар нақадар хилма-хил бўлмасин, бунёдкорлик куч-ғайратларининг бирлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлган бир пайтда, бундай бирлик қайта қуришнинг энг биринчи эҳтиёжи, жамият нормал яшаши, ишлаши, ижобий тарзда янгиланишининг зарур шарти бўлиб турган айни бир пайтда қилинди. Қайта қуришнинг принципиал хусусияти ҳам айни шундан иборатки, у турмушимизга халақит бераётган ҳодисаларга қарши курашда имкони борича кўпроқ кучларни бирлаштириши лозим. Қайта қуриш бюрократизм, порахўрлик, суиистеъмол ва шу каби ҳодисаларнинг айрим ашаддий соҳибларигагина ва шунчаки уларга қарши курашни эмас, балки айни ва биринчи галда ҳодисаларга қарши курашни назарда тутади. Ҳар бир кишидан масъулият соқит қилинмасин, аммо «балогардонлар» ҳам қидириб юрилмасин.

Сўнгра, мақола амалий руҳда эмас. Даъводор сарлавҳали узундан-узоқ мақолада қайта қуриш муаммоларидан биронтасининг моҳиятини идрок этиш учун жой топилмаган. Унда нима ҳақда гап бормасин — ошкоралик, рўй-ростлик, танқиддан холи зоналарнинг йўқолиб бориши, ёшлар ҳақидами — мана шу жараёнлар ва қайта қуришнинг ўзи фақат қийинчиликлар ва салбий оқибатлар билангина боғланган.

Газетхонлар биринчи бор мана шу «Редакцияга хат»да изланишга, фикр-мулоҳазаларга эмас ва ҳатто турмуш ўртага қўяётган мураккаб ва ўткир масалалар қаршисидаги саросималик, беҳаловатликнинг шунчаки ифодасига эмас, балки янгиланиш ғоясининг ўзини қабул этмаслик, мутлақо муайян позицияни, моҳият эътибори билан консерватив ва догматик позицияни кескин баён этишга шу қадар лўнда тарзда дуч келдилар, дейиш мумкин.

Аслини олганда, мақоланинг бутун мазмуни: мана шу жамики қайта қуришнинг нима кераги бор, биз демократиялаш ва ошкоралик масалаларида ҳаддан ошиб кетмадикми? — деган иккита асосий тезис руҳи билан суғорилган. Мақола бизни қайта қуриш масалаларида тузатишлар ва тўғрилашлар қилишга чақиради, акс ҳолда, «маъмурлар» социализмни қутқариб қолишига тўғри келар эмиш.

Афтидан, мамлакат 1985 йилнинг апрелига қадар тушиб қолган ва биз ҳаққоний равишда кризис арафаси деб атаётган вазиятнинг мушкуллигини ҳали барча ҳам жуда равшан англаб олмаган кўринади. Маъмурий буйруқбозлик методлари батамом барҳам топмаганлигини ҳам ҳали ҳамма тўла тушуниб етмаганга ўхшайди. Мана шу методларга ёки уларнинг модификациясига ҳали ҳам умид боғлаётган барча кимсалар буларнинг ҳаммаси бўлганлигини, неча марталаб бўлганлигини ва кутилган натижаларга олиб келмаганлигини англаб оладиган пайт келди. Бундай методлар содда ва самарали деган тасаввурлар хом хаёлдан бошқа нарса эмас, уни тарихан оқлаб бўлмайди.

Хўш, ҳозир социализмни қандай «қутқариш» керак экан?

Ёки авторитар методларни, кўр-кўрона ижрочилик ва ташаббусни бостириш практикасини сақлаб қолиш керакми? Бюрократизм, назоратсизлик, порахўрлик, риёкорлик, майда буржуача айниш ҳоллари жуда барқ уриб гуллаган тартиб сақланиб қолсинми?

Ёхуд ленинча принципларга қайтиш керакми? Демократия, социал адолат, хўжалик ҳисоби, шахснинг шаънига, ҳаёти ва қадр-қимматига нисбатан ҳурмат шу принципларнинг моҳиятидир. Халқнинг яққол кўриниб турган қийинчиликлари ва қондирилмаган талаб-эҳтиёжлари олдида биз 30 ва 40-йилларда таркиб топган айни ўша ёндашувларга ёпишиб олишга ҳақлимизми? Социализм моҳияти билан уни амалга оширишнинг тарихан чекланган формаларини аниқ-равшан фарқлаш вақти келмадимикан? Аввало, биз яшаб турган дунёни ўзгартириш, келгусига аччиқ сабоқларни чиқариб олиш учун тарихимизни илмий-танқидий жиҳатдан билиб олиш вақти келмадимикан?

«Советская Россия» газетасидаги мақола амалда биринчи йўлга қўйилади. Иккинчи йўлни ҳаёт тақозо этмоқда, бу эса қайта қуришни талаб қилди.

Айни мафкуравий мухолифларимиз социализм моҳиятини эскича тафаккур билан, авторитар методлар билан, социализм принципларидан чекиниш билан бир хил қилиб қўйишга умид боғлашмоқда-ку, ахир. Бунда ҳам «социализм хусусида кўз ёши тўкаётган» хонаки йиғлоқиларнинг позициялари унинг чет эллардаги мухолифлари позицияларига туташиб кетаётганлиги наҳотки равшан бўлмаса? Биз социализм қадриятлари, идеаллари ва принципларидан бюрократизм зангини олиб ташлаб, уни барча ғайри инсоний иллатлардан тозалаб, шу тариқа энг яхши, бунёдкор кучларни социализм йўлидаги, қадриятларимиз ва идеалларимиз йўлидаги кураш учун холи этмаймизми, ахир? Тафаккурнинг қолоқлигига, догматизмга қарши кураш мана шу идеаллар учун, уларнинг бузилишига қарши, айни вақтда эса идеологик тутуруқсизликка ва нигилизмга қарши ҳам кураш эмасми, ахир? Айни сўқир, қовоқ бош, шубҳа-гумон нималигини билмайдиган, асаб системаси нуқул битта принцип: ё ҳамма нарса уйғун ва яхши, ёки ҳамма нарса пароканда ва ёмон деган принцип асосида ҳаракат қилишга ўрганиб қолган догматик саросима ва васвасага тушиб қолади. «Зиддиятлар кескинлигига» бардош беришга қодир бўлмаган айни у одатдаги моддий ва маънавий ҳузур-ҳаловатидан маҳрум бўлиб, ҳаммадан олдин ўта нигилистга айланиб қолади.

Мақолада ишга илмий ёндашувни белгилаб берувчи асосий нарса: тарихий жараёнлар моҳиятини аниқлашга, объектив ҳолни субъектив ҳолдан, зарур нарсани тасодифий ҳоллардан, ҳақиқатан социализм ишига хизмат қиладиган нарсани ўз кўзимиз ўнгида ҳам, бутун дунё кўзи ўнгида ҳам социализмга зарар етказган нарсалардан ажратишга интилиш йўқ. Мақолада асосан тарихни чинакам илмий тушунишга мутлақо зид равишда фаталистларча тушуниш, тарихда рўй берган ҳамма воқеаларни тарихий зарурат номи билан оқлаш устун туради. Кураш қурбонсиз бўлмас қабилидаги позиция ҳақиқий илм-фанга ҳам, социалистик ахлоққа ҳам хилофдир.

Мақоланинг деярли ярми бизнинг қадимги ва яқин ўтмишдаги тарихимизни баҳолашга бағишланган. Кейинги йиллар аҳолининг ғоят кенг қатламлари томонидан ўтмишга қизиқиш кучайиб бораётганлигининг ёрқин далилидир. Халқнинг тарихий онги илмий тарихийлик ва ҳақиқат принциплари асосида тобора кўпроқ шаклланмоқда. Шу билан бирга ватанпарварлик тушунчасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш намоён бўлмоқда. Социализмга гўё «ички хавф-хатар» бор деб қаттиқ шовқин солаётган, баъзи сиёсий экстремистлар билан бирлашиб, ҳамма жойда ички душманларни, «контрреволюцион миллатларни» ва ҳоказоларни излаётган кимсалар ватанпарвар эмас, балки ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимай, мамлакат манфаатлари йўлида, халқ бахт-саодати йўлида ҳаракат қилаётган кишилар ватанпарвардирлар. Бизга томошабинликдан иборат сўздаги ватанпарварлик эмас, балки бунёдкорликдан иборат ватанпарварлик керак. Кўр-кўрона ва жоҳил ватанпарварлик эмас, балки социалистик ўзгартишлар ватанпарварлиги даркор. «Кичик ватан»га меҳр-муҳаббатдангина иборат бўлмай, балки улуғ социализм Ватанининг зафарлари учун ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошган ватанпарварлик керак.

Ўтмиш бугунги кун учун, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиш учун ҳаётий зарурдир. Турмушнинг «Кўпроқ социализм бўлсин!» деган объектив талаби зиммамизга биз кеча нимани ва қандай бажарганлигимизни билиб олиш мажбуриятини юклайди. Нимадан воз кечиш, нимани олиш керак? Қандай принциплар ва қадриятларни ҳақиқатан ҳам социалистик принцип ва қадриятлар, деб ҳисоблаш лозим? Модомики биз ҳозир ўз тарихимизга танқидий назар билан қараётган эканмиз, фақат шунинг учунки, келажакка олиб борадиган йўлни яхшироқ, тўлиқроқ тасаввур этишни истаймиз.

Биз ҳақиқатни сохта ва қув ҳақиқатлардан тозалаб, унинг ҳуқуқини қайта тиклаяпмиз. КПСС XXVII съездида берилган ҳақиқат сабоғини уқиб олаяпмиз. Сохта ва қув ҳақиқатлар ижтимоий лоқайдликдан иборат боши берк кўчаларга олиб кирган эди. Аммо ҳақиқат кўп жиҳатдан аччиқ бўлиб чиқди. Мана энди одатдан ташқари вазиятнигина рўкач қилиб ўтмишни, сиёсий издан чиқишлар ва социализм олдидаги жиноятларни оқлашга уриниб кўрилмоқда.

Энди биз кўп минглаб коммунистлар ва партиясизлар, хўжалик ходимлари ва ҳарбий кадрлар, олимлар ва маданият арбоблари оммавий репрессия қилинганликларини биламиз... Бу ҳақиқат бўлиб, ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Партия буни тўппа-тўғри айтди. Кўпгина айблар аллақачон бекор қилинди, минг-минглаб бегуноҳ жабрланган кишилар батамом оқланди. Адолатни қайта тиклаш жараёни ҳозир ҳам давом этмоқда. Маълумки, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг комиссияси иш олиб бормоқда, бу комиссия ана шу масалаларга тааллуқли факт ва ҳужжатларни атрофлича ўрганмоқда.

Тарихимизнинг нохуш масалаларини тилга олмаслик ҳақиқатни назар-писанд қилмаслик, бедодлик ва ўзбошимчаликнинг бегуноҳ қурбони бўлган кишилар хотирасига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш демакдир. Ҳақиқат битта. Батамом равшанлик, аниқлик ва изчиллик, келажак сари маънавий мўлжал керак.

Ҳозир ўтказилаётган кўпдан-кўп мунозараларда И. В. Сталиннинг мамлакатимиз тарихидаги роли масаласи ўткир қилиб қўйилмоқда. «Советская Россия» газетасидаги мақола ҳам буни четлаб ўтмаган. Мақола КПСС Марказий Комитетининг шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги қарорини (1956 йил) қўллаб-қувватлашини, партиянинг кейинги ҳужжатларида Сталиннинг фаолиятига берилган баҳоларни маъқуллашини билдириб, амалда эса уларни рад этишга, социализмни маънавий принциплардан ажратишга уринади.

Муаллиф ўз концепцияси манфаатини кўзлаб, мадад учун Черчилга мурожаат қилади. Шуни қайд этиб ўтайликки, У Сталинга келтирган мадҳия асло Черчилга мансуб эмас. Таниқли инглиз троцкийчиларидан И. Дойчер шунга ўхшаш бир нарсани айтган эди. Лекин ҳар ҳолда шундай савол бериш қонуниятли: партиямиз билан давлатимизнинг раҳбарларига, таниқли арбобларига баҳо беришда суриштирмай-нетмай буржуа манбааларига мурожаат этиш одобданмикан? Айниқса аллақачон партиянинг ўзи аниқ билдирган позиция, ҳозирги конкрет воқеада эса В. И. Лениннинг баҳоси мавжуд бўлгандан кейин бунинг ҳожати бормиди?

Сталиннинг шахси ниҳоятда зиддиятли. Шиддатли баҳслар бўлаётганлигининг боиси ҳам мана шунда. Аммо партиянинг XX, XXII съездларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги докладида принципиал баҳолар берилган. Биз тарихий ҳақиқат позицияларида қолиш билан бирга Сталиннинг социализм учун, ғалабаларни ҳимоя қилиш йўлидаги курашга қўшган шак-шубҳасиз ҳиссасини ҳам, у ва унинг атрофидаги кимсалар йўл қўйган қўпол сиёсий хатоларни, ўзбошимчаликни ҳам кўришимиз керак. Ана шу хатолар ва ўзбошимчалик халқимизга жуда қимматга тушди ва улар жамиятимиз турмуши учун оғир оқибатлар келтирди. Сталин бедодликларни билмаган эди, деган овозлар ўқтин-ўқтин эшитилиб турибди. Билиши у ёқда турсин, балки шу бедодликларни уюштириб уларга раҳбарлик қилиб турган. Эндиликда бу исботланган факт. Йўл қўйилган оммавий репрессиялар, бедодликлар учун Сталиннинг ҳам, унинг яқин атрофидаги кишиларнинг ҳам партия ва халқ олдидаги айби жуда катта бўлиб, буни кечириш мумкин эмас.

Ҳа, тарихдаги ҳар қандай арбоб конкрет социал-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий шароитларда камол топади. Аммо шахсга сиғиниш муқаррар эмас эди. Бу ҳол социализмнинг табиатига ётдир ва у социализмнинг энг асосий принципларидан чекинишлар сабаблигина мумкин бўлиб қолди.

Лекин партия бу масалага равшан ва тўппа-тўғри жавоб берган ҳозирги пайтда нима учун унга барибир такрор-такрор қайтишга тўғри келмоқда? Бунинг икки сабаби бор, деб ўйлаймиз. Аввало шунинг учунки, Сталинни ҳимоя қилиш билан шу тариқа бизнинг бугунги турмушимизда, практикамизда унинг мунозарали масалаларни «ҳал этиш» усуллари, у яратган ижтимоий ва давлат структуралари, партия турмуши ва социал турмуш нормалари сақланиб қолинишини ҳам қаттиқ ҳимоя қилмоқдалар. Энг муҳими эса бебошлик қилиш ҳуқуқини ҳимоя этмоқдалар. Бундай бебошлик аслида доимо худбинлик манфаатидангина иборат бўлади—гарчи бир кишида бу манфаат кўпроқ олиб, камроқ беришга қаратилган, бошқа бир кишида эса илмфанда монополияга, ишларда ўзининг бекаму кўстлигига ёки бошқа бирон нарсага нисбатан даъволарнинг ташқи кўринишдан салобатли қиёфа бағишлайдиган либосига ўралиб олган бўлади.

Сталиннинг шахси тўғрисидаги масалага яна шунинг учун ҳам такрор-такрор қайтишга тўғри келмоқдаки, мана шу баҳо теварагида инсондаги энг азиз нарса — у яшаган ҳаёт мазмуни хусусида чайқовчилик қилинмоқда. Агар Сталин жиноятларда айбдор экан, у ҳолда бизнинг ўтмишдаги ютуқларимизга бериладиган баҳо қандай бўлади, деб тушунчалар нотўғри талқин қилинмоқда. Социализм мамлакатини тарихий ғалабаларга олиб келган одамларнинг меҳнати, қаҳрамонлигига қандай баҳо бериш керак? Биз Сталинни қоралаш, унинг методларини рад этиш билан ана шу ғалабаларни ҳам инкор этмаяпмизми?

Йўқ, инкор этмаяпмиз, балки яна ҳам кўпроқ улуғлаяпмиз. Ҳалол меҳнаткаш, жанг майдонидаги солдат, ўз ватанпарварлигини, ўзининг Ватанга, социализмга содиқлигини амалда исботлаган ҳар бир совет кишиси ўз бурчини бажаришга ҳаракат қилди ва бажарди ҳам! Уларнинг меҳнати, фидокорлиги ва қаҳрамонлиги мамлакатимизни мислсиз чўққиларга олиб чиқди. Зотан ахлоқсиз кишигина халқнинг меҳнати ва жасоратига кўланка ташлаши мумкин. Аммо биз ҳар жиҳатдан мушкул бўлган ўша даврда ҳақиқий ишни бажариш нақадар қийин бўлганлигини эндиликда ҳар қачонгидан кўра яхшироқ англаб турибмиз.

Ҳозир ана шу кишиларни Сталин бедодликларининг адвокатлари қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Яна шунинг учун ҳам тўғри эмаски, агарда уларнинг ижодий ғайратшижоати, моддий таъсирчанлиги объектив равишда ленинча практикага, социалистик практикага зид равишда заифлаштириб қўйилмаганида бутун мамлакат учун, ҳар биримиз учун уларнинг куч-ғайратлари қанчалик юксакроқ самара берган бўлишини тушунамиз, тушунишимиз шарт.

Йўқ, партия ветеранлари, уриш ва меҳнат ветеранларининг ҳаёти беҳуда ўтгани йўқ! Кейинги барча авлодлар улардан беҳад қарздордирлар.

Аммо баъзи бир кимсалар ҳамон ўтмишни қўмсашдан халос бўла олмаяптилар. Ўтмишда бировлар жар солса, бошқалар бунга қулоқ солиб, итоатгўйлик билан бажаришлари керак эди. Баъзи кишиларнинг ўтмишни қўмсаётганлигини тушуниш мумкин, бироқ матбуот органининг бундай кайфиятларга тегишли баҳо бериш бир ёқда турсин, балки газетхонларда уларга қандайдир «янги» сиёсий платформа таклиф этилаётгандек таассуротни вужудга келтириб, шундай кайфиятларни пропаганда қилиши ярашмайди.

Авторнинг мунозаралар чоғида билдирилаётган ўй ва фикрларга баҳо беришга синфий ёндашув тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам эътиборни ўзига тортади. Авторнинг нуқтаи назарига кўра, одамларнинг бирон бир мунозарали позицияларини муаммолар юзага келтирмай, балки уларнинг муайян социал ёки миллий мансублиги юзага келтирар эмиш. Шу тариқа нималар гапирилаётганлиги ва нималар ҳақида баҳс юритилаётганлиги эмас, балки айни ким гапираётганлиги ва баҳслашаётганлиги тўғрисидаги масала диққат марказига қўйилмоқда.

Мунозараларда синфий ёндашув керак, албатта. Аммо бизга социализмга ёт ғояларга эга бўлган кишилар билан иш олиб боришга мажбур бўлган ҳолларда ҳам синфий ёндашув «селекцуя»ни енгиллаштирувчи «тамға» эмас, балки илмий таҳлил воситасидир. Мақолада «Октябрь революцияси ағдариб ташлаган синфларнинг авлод-аждодлари бемалол яшаб юришибди», шунингдек «Дан ва Мартовнинг, Россия социал-демократизми шажарасидаги бошқа кимсаларнинг маънавий ворислари, Троцкий ёки Ягода маънавий издошларининг, социализм ранжитган нэпманлар, босмачилар ва қулоқларнинг авлодлари яшаб юришибди» дейилади. Мақола антисоциалистик кайфиятларнинг илдизларини оз бўлмаса генлардан излашга тайёрдир. Бу позиция Сталиннинг социалистик қурилиш жараёнида синфий кураш кескинлашиб боради, деган маълум йўл-йўриғи билан ҳамоҳанг эмасми? Мана шу йўл-йўриқ фожиали воқеаларни келтириб чиқарган эди.

Мақолада ёшларимизнинг бир қисми ўртасида нигилизм маълум даражада ёйилганлигидан ташвиш билдирилади. Бу нарса ташвишланиш учун сабаб бўлиши керакми? Ҳа, лекин шуни ҳам кўриш керакки, ёшлар онгидаги ҳозирги «қинғайишлар» шундай хасталикнинг белгиларики, у эндигина юзага келгани йўқ. Унинг илдизлари ўтмишга бориб тақалади. Бу ёшларимизни неча ўн йиллар мобайнида маънавий жиҳатдан қантариб қўйганлигимиз, минбарлардан туриб эълон қилинган гаплар билан кундалик турмушда содир бўлган воқеалар ўртасидаги тафовут оқибатидир.

Қайта қуришнинг энг яхши устози турмуш бўлиб, биз унга доимо қулоқ солишимиз керак, турмуш эса диалектикага асосланади. Биз Энгельснинг диалектика учун узил-кесил ва абадий белгилаб қўйилган, сўзсиз, муқаддас ҳеч нарса мавжуд эмас, деган сўзларини ҳамиша ёдда тутсак бўлур эди. Айни мана шу муттасил ҳаракат, табиат ва жамиятнинг ҳамда тафаккуримизнинг доимий янгиланиб бориши янгича фикрлашнинг илк, биринчи, ниҳоятда туб принципидир.

В. И. Ленин тарихнинг жуда мураккаб, энг мушкул, бурилиш паллаларида марксизмнинг жонли қалби бўлмиш диалектикага қайта-қайта мурожаат қилар, тарихий воқеаларни ўзи тушуниб олиш учунгина эмас, шу билан бирга партияни, халқ оммасини шундай тушунча билан қуроллантириш учун ҳам мурожаат қилар эди. Қайта қуриш ҳам айни шундай фикр билан турмушга сингди.

Қайта қуриш тобора кучайиб бормоқда. Буни кўрмаслик мумкин эмас. Жамиятдаги муҳитнинг ўзи, одамларнинг кайфияти ўзгача бўлиб қолди. Умуман ишчилар, колхозчилар, зиёлилар қайта қуриш иши учун, мамлакат учун, социализм учун масъулиятни ҳис этиб ҳаракат қилмоқдалар. Бинобарин фикрлар ҳаракатидан, социалистик демократия потенциалини рўёбга чиқаришнинг энг яхши йўллари изланаётганлигидан чўчимаслик керак. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги даврда бу айниқса зарурдир.

Шу пайтгача нималарни қилишга улгурдик? Партиянинг йўли, КПСС XXVII съездининг, Марказий Комитет пленумларининг қарорлари қандай бажарилмоқда? Одамларнинг турмушида қандай ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда? — деган саволларга қайтайлик.

Биз энг зарур, энг муҳим муаммоларни — уй-жой, озиқ-овқат, аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишга чинакамига киришдик. Социал соҳани жадал ривожлантириш сари бурилиш бошланди. Маорифни, соғлиқни сақлашни қайта қуриш юзасидан аниқ-равшан қарорлар қабул қилинди. Кенг миқёсли ўзгартишларни амалга оширишдаги асосий воситамиз — туб иқтисодий ислоҳот турмушга сингиб бормоқда. «Бу ўтган уч йилнинг асосий сиёсий якунидир», — деди М. С. Горбачев колхозчиларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ съездида.

Жамиятнинг маънавий турмушида зиёлиларнинг, барча меҳнаткашларнинг овози қудратли ва кучли янграй бошлади. Бу қайта қуришнинг қўлга киритилган дастлабки ғалабаларидан биридир. Фикр ва сўз эркинлиги бўлмаса, мулоҳазаларнинг ошкора ва кенг тўқнашуви бўлмаса, турмушга танқидий назар билан қаралмаса, демократизм бўлмайди.

Зиёлиларимиз жамоатчилик онгини чуқур, туб ўзгартишлар зарурлигини тушунишга тайёрлаш учун кўп иш қилдилар. Уларнинг ўзи қайта қуришга фаол қўшилдилар. Улар ўз ўтмишдошлари яратган энг яхши анъаналарни қурол қилиб олиб, виждонли, аҳлоқли, диёнатли бўлишга чақирмоқдалар, турмушнинг инсонпарварлик принципларини ва социалистик нормаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

(Давоми 3-бетда).

